

O‘ZBEKISTONDA ISLOMIY MOLIYALASHTIRISHNI JORIY QILISHDA BUXGALTERIYA HISOB VA AUDITI MASALALARI

ISAYEV OYBEK BAXRAMOVICH

O‘zbekiston respublikasi

Bank-moliya akademiyasi

kengashi kotibi

Isaev@bfa.Uz

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp17-22>

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda juda katta potensial talabga ega va yaqin kelajakda keng joriy qilinishi kutilayotgan soha – islomiy moliyalashtirishni joriy qilishda buxgalteriya hisobi va auditi masalalari ahamiyati ochib berilgan.

Maqolada islom moliyasi banklar va boshqa moliyaviy tashkilotlarda joriy qilinishi mobaynida buxgalteriya hisobi va auditining xalqaro islom tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirilishi O‘zbekiston iqtisodiyotiga tashqi investitsiyalarni jalb qilishda ahamiyati va islom moliyasining barcha xizmat turlaridan keng qo‘llashda xalqaro islom tashkilotlari standartlaridan foydalanishga zaruriyat borligi asoslangan. Shuningdek, O‘zbekistonda islom moliyasi xizmat turlarini keng joriy qilish bo‘yicha ilmiy xulosa va takliflar taqdim etilgan.

Kalit so‘zlar: islom moliyasi, buxgalteriya hisobi va auditi, AAOIFI, standartlar, islom darchasi, islom bank ishi.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси асосида 2022 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни чиқди. Ушбу Қонун орқали Ўзбекистонда биринчи марта “исломий молиялаштириш” тушунчаси қонуний асосга эга бўлди. Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга қонунан рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикасидаги айрим тижорат банклари томонидан ислом дарчалари очиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда, халқаро ислом молия ташкилотлари маблағларини мақсадли равишда муробаҳа усулида молиялаштириш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, хусусий молиявий ташкилотлар (шу жумладан, fintech компаниялар) ислом тамойилларига тўғри келадиган муддатли сотиш ва лизинг ташкилотлари (ТАИВА лизинг) томонидан ислом молияси асослари бўйича лизинг шартномалари таклиф этилмоқда.

Диний эътиқодларга таянган, фоиз, кредит ва шу каби банк хизматларидан фойдаланишни истамаган (сўровларга асосан аҳолининг тахминан 40-

50% ва хусусий бизнес вакиллари 40-50% банкка шу сабабдан мурожаат қилмаяпти) аҳоли қатлами ва бизнес вакиллари учун исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган банк хизмат турлари ва нобанк ташкилотлари молиялаштириш хизматлари таклиф этилса, бу Ўзбекистон иқтисодиётининг янада ўсиши ва ҳалигача тўлиқ фойдаланилмаётган ички инвестиция имкониятларидан тўла фойдаланишга катта туртки бўлади.

Шунинг билан бирга, Ўзбекистонга қўшимча ташқи инвесторларни жалб қилиниши ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, шу кунгача инвестиция қилишда ислом молиясининг кенг жорий қилинмаганлиги ва қонуний асослар яратилмаганлиги сабабли инвестиция қилолмаган бизнес вакиллари ва йирик инвесторлар учун битта муҳим жиҳатлардан бири шуки, Ўзбекистондаги барча исломий молиялаштириш механизмлари асосида иш юритаётган банк ва ташкилотларда халқаро ислом молия ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартлари асосида иш юритилишидир.

Ўзбекистонда ислом молияси хизмат турларининг кенг жорий қилинишининг асосий мезонларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунларга, солиқ ва фуқаролик кодексларига, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудити ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилишидир.

Халқаро ислом молия ташкилотлари ҳамда чет давлатлардаги ислом молияси хизмат турларини кўрсатаётган етакчи банклар билан ҳамқорликда Ўзбекистондаги тижорат банкларида ҳамда бошқа хусусий молиявий ташкилотларда ислом молияси хизмат турларини кенг жорий этиш бўйича катта ишлар олиб боришда, аммо шу билан бирга, ислом молиясининг ўзига хос хусусиятларини яхши англаб ва унинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити бора-сида ҳам асосий стандартларига амал қилган ҳолда ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мавзуни илмий ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида тизимли таҳлил, статистик таҳлил каби усулларида фойдаланилган. Мақолада, ислом молияси бўйича амалга оширилган ишлар, бу борадаги чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ислом молияси хизмат турларини Ўзбекистонда кенг жорий қилишда бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартларига амал қилишнинг зарурий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Ислом молиясини жорий қилиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, турли тажрибаларни солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Сўнгги 20-25 йилда ислом молияси жадал суръатларда ривожланмоқда ва бу ривожланиш асносида кўплаб стандартлар ҳам яратилмоқда, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудити соҳасида.

Жаҳонда ислом молияси бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартлари бўйича энг обрўли ташкилот бу шубҳасиз AAOIFI ҳисобланади.

AAOIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions) – Баҳрайн қиролиги пойтахти Манама шаҳрида жойлашган, ислом молия муассасалари ва соҳанинг бошқа иштирокчилари учун шариат стандартлари (қоидалари) ишлаб чиқиш, уларни тарғиб қилиш, ушбу соҳа доирасида мутахассислар етиштириш, уларни имтиҳон қилиш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи мустақил халқаро ташкилотдир.

Ушбу ташкилотнинг асосий функциялари (1) ислом молия ташкилотлари фаолияти ва молиявий ҳисоботларини шариат тамойилларига мувофиқлигини таъминлаш ва (2) молия бозорларини ислом молияси қоида ва тамойилларга мослигини ва шу орқали тармоқ ривожини таъминлашдир. Ташкилот мақсадлари: ислом молия муассасалари бухгалтерлик ҳисоби ва аудитига алоқадор қоидалар ишлаб чиқиш, эълон қилиш ва шарҳлаш; тренинглар, семинарлар ўтказиш/ташқил қилиш, даврий ахборот маълумотномалари (бюллетенлари) нашр этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалга татбиқ қилиш, шу ва шу каби бошқа воситалар орқали ислом молия муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва аудитига алоқадор ғоя/фикрларни кенг тарғиб қилиш; ислом молия институтлари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини қайта кўриб чиқиш ва лозим бўлса ўзгартириш.

Юқорида қайд қилинганидек, AОIFI фаолияти ислом молия ташкилотларининг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларнинг (шу жумладан, потенциал инвесторларнинг) ушбу ташкилотлар тақдим қиладиган маълумотларга ишончини ошириш ҳамда ушбу инвесторларни ўз маблағларини ислом молия муассасаларига инвестиция қилиш, омонатга қўйиш ҳамда уларнинг хизматларидан фойдаланишга ундашга қаратилган.

AAOIFI 1990 йилда ташқил этилган ва 1991 йил 27 март куни Баҳрайнда расман рўйхатга олинган ва унинг таъсисчилари қуйидагилардир: Ислом тараққиёт банки, Dallah Al-Baraka, Faysal Group (Dar Al Maal Al Islami), Al Rajhi Banking & Investment Corporation, Қувайт молия уйи ҳамда Ал-Бухорий жамғармаси. 45 дан ортиқ мамлакатлардан марказий банклар, ислом молия муассасалари, ҳисоб-китоб (бухгалтерия), аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда ҳуқуқ ва банк-молия соҳасида фаолият юритувчи бошқа ташкилотлар бугунги кунда AAOIFI аъзоси ҳисобланади. AAOIFI томонидан чиқарилган шариат, бухгалтерлик ҳисоби аудит, ахлоқ ва бошқарувга оид 100 га яқин стандартларни аъзо ташкилотлар ўз фаолиятлари доирасида фаол қўллаб келмоқдалар. AAOIFI таркибий тузилмаси Бош Ассамблея (Олий кенгаш), Васийлик кенгаши, Ижроия қўмитаси ва Бош котибиятдан иборат. Техник кенгашлар ҳам мавжуд, хусусан (1) Бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартлари кенгаши, (2) Шариат кенгаши, (3) Бошқарув ва ахлоқ кенгаши.

AAOIFI'нинг шариат ва бошқарув стандартлари Сарф, Кафолат, Ҳавола, Муробаҳа, Ижара, Салам, Истисна, Мушорака, Музораба; Аккредитив, Жуала, Сукук, Қарз, Вакала, Такафул, Таварруқ, Вақф, Закот, ходимлар ёллаш; анъанавий банкни ислом банкига айлантириш, ликвидликни бошқариш, Шариат кенгашлари каби 60 дан ортиқ мавзунини қамраб олган. Ундан ташқари молия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш бўйича 40 дан ортиқ стандартлар қабул қилинган.

Ислом молия муассасалари учун бухгалтерия ва аудиторлик ташкило-

ти ААОIFIнинг 2022 йилнинг 15-16 май кунлари Баҳрайн пойтахти Манаме шаҳрида бўлиб ўтган 20 йиллик анжумани давомида Ўзбекистоннинг “Islamic Business and Finance” корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Эндиликда ушбу шартнома доирасида ААОIFI халқаро стандартлари (меъёрлари) асосида Ўзбекистонда мутахассисларни тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва сертификатлаш амалга оширилиши мумкин бўлади. Шартномага кўра, Ўзбекистонда ташкил этиладиган марказ ААОIFI'нинг қуйидаги йўналишларида мутахассислар тайёрлаш ва синовларни ташкил этиш билан шуғулланади:

- ислом молияси бўйича сертификатланган профессионал бухгалтер (CIPA);
- шариат бўйича сертификатланган маслаҳатчи ва аудитор (CSAA);
- молия ҳисоби стандартлари бўйича моҳирлик сертификати (CPFAS).

Исломий молиялаштиришнинг анъанавий молиялаштиришдан асосий фарқи шундан иборатки, исломий молия фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намойён қилади. Бошқача қилиб айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка, ҳамкорликка асосланган. Бунда исломий банклар мижоз талаби бўйича объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хом ашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Пул муомала воситаси сифатида кўрилади, яъни пулнинг ўзини фоизга ёки бирон-бир наф/фойда эвазига қарз сифатида бериш тақиқланади.

Бугунги кунда тадбиркорларга қисқа муддатли (1 йил мобайнида қайтариладиган) савдони молиялаштириш линиялари бўйича бир нечта маҳаллий банклар томонидан ислом молияси хизмати кўрсатилмоқда. Бунда Муробаҳа молиялаштириш усули ишлатилиб, асосан хомашё ва ускуналар сотиб олиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, бир қанча хусусий ва акциядорлик компаниялари орқали ислом тамойилларига тўғри келадиган муддатли сотиш ёки лизингга асосланган хизмат турлари ҳам таклиф этилмоқда.

Айрим лизинг компаниялари мижозларга ижара (исломий лизинг) хизматини йўлга қўйган бўлиб, бунда мижозларга фоизсиз лизинг шартномаси, яъни асбоб-ускуналарни сотиб олишда уларнинг устига компаниянинг устама ҳақини қўйган ҳолда муддатли бўлиб-бўлиб бериш орқали маблағларни қайтариш имконияти мавжуд. Шу каби шартларда, Ўзбеклизинг, Таиба лизинг компаниялари ва бир қанча хусусий молиявий ташкилотлар автомобил, кўчмас мулк ва маиший техникаларни муддатли тўлов асосида сотиш хизматларини йўлга қўйганлар.

Ўзбекистонда исломий молиялаштириш учун зарур бўлган қонунчиликнинг йўқлиги ва мавжуд қонунчиликда бу тизимни ишлаши учун номуносибликларнинг мавжудлиги юртимизда ислом молиясининг кенг жорий қилиниши учун тўсиқ бўлмоқда. Ўзбекистонда ислом молиясини кенг жорий қилишда меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишда Малайзия давлати тажрибасидан фойдаланиш катта фойда келтириши мумкин, чунки бугунги кунда Малайзия бу соҳада энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. Малайзиядаги қатор ислом молияси бўйича фундаментал шуғулланувчи олий таълим муассасалари амалиёт билан боғлаган ҳолда ислом банкини ва ислом молиясида чуқур изланишлар олиб боришмоқда, шунингдек, давлат миқёсида ҳам керакли маслаҳатларни бериб боришмоқда.

AAOIFI билан бирга, яна бир йирий ташкилот IFSB (The Islamic Financial Services Board) Ислом молиявий хизматлар кенгаши - халқаро стандартларни белгиловчи ташкилот бўлиб, кенг маънода банк, капитал бозорлари ва суғурта тармоқларини ўз ичига олган соҳа учун глобал пруденциал стандартлар ва йўналтирувчи тамойилларни чиқариш орқали ислом молиявий хизматлар саноатининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини тарғиб қилувчи ва кучайтирувчи халқаро ташкилотдир. Ташкилот 2002 йилда ташкил этилган ва Малайзия пойтахти Куала Лумпурда жойлашган.

IFSB соҳа билан боғлиқ масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боради ва ташаббусларни мувофиқлаштиради, шунингдек, тартибга солувчилар ва соҳа манфаатдор томонлари учун давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ташкил қилади.

Анъанавий банкнинг ислом дарчалари фаолиятини AAOIFI ва IFSB томонидан ўрнатилган стандартларга мос келтириш керак.

AAOIFI томонидан Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича қуйидаги меъёрий хужжатлари мавжуд:

-Ислом молия институтлари томонидан молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари;

-AAOIFI молиявий ҳисобот учун концептуал асос;

-молиявий ҳисоб стандарти (МҲС) 1-сонли: ислом банклари ва молия институтларининг молиявий ҳисоботларида умумий тақдимот ва ошкор қилиш;

-МҲС 1 - Молиявий ҳисоботларда умумий тақдимот ва ошкор қилиш;

-МҲС 3 - Мудораба молиялаштириш;

-МҲС 4 - Мушорака молиялаштириш;

-МҲС 7 - Салом ва параллель салом;

-МҲС 8 - Ижара ва Ижара Мунтақиа Биттамлик;

-МҲС 9 - Закот;

-МҲС 10 - Истисна ва Параллель Истисна;

-МҲС 12 - Ислом суғурта компанияларининг молиявий ҳисоботларида умумий тақдимот ва ошкор қилиш;

-МҲС 13 - Ислом суғурта компанияларида ортиқчалик ёки тақчилликни аниқлаш ва тақсимлаш асосларини ошкор қилиш;

-МҲС 14 - Инвестиция фондлари;

-МҲС 15 - Ислом суғурта компанияларидаги шартлар ва захиралар;

-МҲС 16 - Валюта операциялари ва хорижий операциялар;

-МҲС 18 - Анъанавий молия институтлари томонидан таклиф қилинадиган исломий молиявий хизматлар;

-МҲС 19 - Ислом суғурта компанияларидаги бадаллар;

-МҲС 20 - Кечиктирилган тўловни сотиш;

-МҲС 21 - Активларни ўтказиш тўғрисида маълумот;

-МҲС 22 - Сегментлар бўйича ҳисобот;

-МҲС 23 - Консолидация;

-МҲС 24 - Ассоциацияланган корхоналарга инвестициялар;

-МҲС 26 - Кўчмас мулкка инвестициялар;

-МҲС 27 - Инвестиция ҳисоблари;

-МҲС 28 - Муробаҳа ва бошқа кечиктирилган тўловларни сотиш;

-МҲС 30 - Қийматининг пасайиши, кредит йўқотишлари ва оғир мажбури-

ятлар;

- МҲС 31 - Инвестиция агентлиги (Al-Wakala Bi Al-Istithmar);
- МҲС 32 - Ижара;
- МҲС 33 - Сукук, акциялар ва шунга ўхшаш воситаларга инвестициялар;
- МҲС 34 - Сукук эгалари учун молиявий ҳисобот;
- МҲС 35 - Рисклар захиралари;
- МҲС 36 - ААОИФИ молиявий ҳисоб стандартларини биринчи марта қабул қилиш;
- МҲС 37 - Вақф институтлари томонидан молиявий ҳисобот;
- МҲС 38 - Ваад, Хияр ва Таҳавут;
- МҲС 39 - Закот учун молиявий ҳисобот;
- МҲС 40 - Исломий молия дарчалари учун молиявий ҳисобот.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда исломий молиялаштиришни жорий қилишда бухгалтерия ҳисоби ва аудити масаласини ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1.Ташқи инвестиция салмоғини кескин ошириш мақсадида чет эл исломий давлатлардан йирик инвесторларни жалб қилиш учун ААОИФИ ва IFSB молиявий ҳисобот стандартларига асосланиш керак.

2.Молиявий ҳисоботларни халқаро ислом молия ташкилотлари талаблари асосида бажариш учун ААОИФИ ва IFSB молиявий ҳисобот стандартларини чуқур ўргатувчи ўқув дастурларини яратиш ҳамда чет элдаги йирик исломий молия ташкилотлари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш керак.

3.Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудити борасида ҳужжатларга ААОИФИ ва IFSB стандартларига мослаштириш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритиш керак.

Ташаккурнома

Ушбу мақолани ёзишда ААОИФИ нинг Бухгалтерия ҳисоби кенгашининг МДҲ мамлакатларидан бўлган ягона аъзоси Хондамир Нусратхўжаев томонидан берилган очиқ маълумотлардан фойдаланилганлиги сабабли, у кишига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<https://islommoliyasi.uz/uz/about-aaofifi/>

<https://sof.uz/post/islom-moliyasi-boyicha-nufuzli-xalqaro-tashkilot-ozbekiston-bilan-hamkorlik-ornatdi>

<https://aaofifi.com/accounting-standards-separated-2/?lang=en>